КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 3 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 63 (10.620)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифига бағишлаб Туркиянинг «Туркиш уикли» ҳафтаномасида чоп этилган «Ислом Каримов — даврни белгилаб берган шахс» мавзусидаги мақола республикамизнинг марказий газеталарида берилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши билан биргаликда ўтказилган конференция «Жамиятни демократлаштириш, ислоҳ қилиш ва ёшларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш» мавзусига бағишланди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан «Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш: тажриба ва муаммолар» мавзусига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

● Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича иккинчи Бутунармия ўйинлари тантанали равишда очилди.

● Наврўз айёми ва Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган умуммамлакат марафонининг учинчи йўналиши Намангандаги Конституция майдонидан старт олди. Намангандан йўл олган марафончилар Қамчиқ довони йўлларини ҳам босиб ўтиб, эртага Тошкентга кириб келадилар.

● Тошкентда бўлиб ўтган республика тадбиркорларининг «Хайрли, савобли ишларда бир-биримиздан қолишмайлик» шиори остидаги форумида асосий эътибор ҳомийлик ишларида фаоллик кўрсатаётган тадбиркор ҳамда фермерларнинг тажрибасини, аҳолининг муҳтож ва кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш ғоясини тарғиб қилишга қаратилди.

● «Ўзкўргазмасавдо» биносида талабаёшлар учун «Наврўз муборак» номли байрам дастури ташкил этилди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармалари томонидан уюштирилган ушбу тадбирда пойтахт ўқув юртларида таҳсил олаётган 2 минг нафардан ортиқ талаба ва ўқувчи-ёшлар қатнашди.

● Куни кеча фойдаланишга топширилган янги рақамли телефон станцияси Каттақўрғон тумани ва Самарқанд вилоятининг яна тўққизта туман марказларини юқори сифатли алоқа хизмати билан таъминламоқда. У 20 мингдан ортиқ абонентларга замонавий хизмат турларини кўрсатади.

● Фарғона вилоятида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» мусобақасининг вилоят босқичи баҳслари уюшқоқлик билан ўтказилди.

● Бухоро вилояти халқ таълими бошқармасида 2005-2006 ўқув йили — «Таълим муассасалари, оила ва маҳалла ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш ўқув йили» дастурида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Исроил мамлакати Марказий сайлов комиссияси ўтган ҳафтада бўлиб ўтган парламент сайловлари натижаларини эълон қилди. Унга кўра, айни пайтда мамлакат Бош вазири лавозимини вақтинча бажариб турган Эҳуд Ольмертнинг «Кадима» партияси парламентдаги 29 та ўринни эгаллади. Бу эса Ольмертга коалицион ҳукумат тузиш ҳуқуқини беради. Эндиликда мамлакатдаги сиёсий кучлар ўртасида коалиция тузиш бўйича норасмий музокаралар бошланиб кетди.

● Баҳрайн яқинида бортида асосан хорижлик — Буюк Британия, Ирландия, АҚШ, Германия, Ҳиндистон, ЖАР, Миср, Польша ва бошқа мамлакатларнинг фуқаролари бўлган паром чўкиб кетди. Айтиш жоизки, 100 кишига мўлжалланган тезюрар паромда 138 нафар йўловчи бўлган. Ҳалокатга учраган паром йўловчиларидан 67 нафари қутқарилди.

● Либериянинг собиқ президенти Чарльз Тейлор Нигериядан Камерунга чегарани бузиб ўтаётган пайтда қўлга олинди. Ҳозирда у ҳарбий ва инсониятга қарши жиноятлар содир этганликда ҳамда аҳолини оммавий қирғин қилганликда айбланмоқда. Тейлорнинг Гаага халқаро трибуналига топширилиши эҳтимоли бор.

● Туркиянинг Газантеп шаҳрида курд намойишчиларининг мамлакат полицияси билан тўқнашуви оқибатида 1 киши ҳаётдан кўз юмди, 20 нафар намойишчи тан жароҳатларини олди. Умуман, олти кундан буён тўхтовсиз давом этаётган намойишлар давомида 20 киши ёруғ дунёни тарк этди.

● Эроннинг ғарбий қисмида жойлашган Лорестан музофотида Рихтер шкаласи бўйича 6 баллик зилзила содир бўлди. Натижада 17 киши ҳалок бўлган, 300 дан ортиқ одам турли даражада жароҳатланган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Тошкент меҳмонхона хўжалиги коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбир ўзбек матбуоти ташкил этилганлигининг 100 йиллигига бағишланди.

● **БУГУН** Яккасарой туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ОИТС ва гиёвандликка қарши кураш масаласига бағишлаб уюштирилган семинарда «Камолот» ва «Камалак» сардорлари, фаоллари иштирок этишди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Оникс» очиқ акциядорлик жамияти, 3-автокорхона, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент шаҳар бўлимларида «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилотларининг навбатдаги йиғилишлари уюштирилди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги «Лашкарбеги», «Турон» маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Миллий халқ ўйинлари» фестивали доирасида тадбир ўтказилди.

● **БУГУН** Бектемир тумани марказлашган кутубхоналар тизимининг 3-кутубхонасида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида «Болалар китоби — кичкинтой овунчоғи» мавзуида ўтказилган тадбир **КЕЧАДАН** бошланиб 9 апрелга қадар давом этадиган «Болалар китоблари дунёси» ҳафталиги доирасида уюштирилди.

● **БУГУН** «Қушбеги» маҳалласида Наврўз айёмига бағишлаб ўтказилган тадбирда Абдулла Авлоний номидаги маданият уйи вакиллари иштирок этишди.

● **БОБУР** номидаги маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган варрак учириш бўйича тадбирда маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшлар иштирок этишди.

● **УЧТЕПА** туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши томонидан уюштирилган «Миллий халқ ўйинлари» фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● **«АҲИЛЛИК»** маҳалласи ҳудудидаги 210-мактабда ўқувчилар ўртасида «Арқондан сакраш», «Доирага торт», «Йигирматага етказ», «Қопқон», «Қармоқ», «Оқ теракми, кўк терак» деб номланган ўйинлар ташкил этилди.

● **МИРЗО** Улуғбек технология касб-ҳунар коллежида ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Ассалом, Наврўз!» деб номланди.

● **МИРЗАКАЛОН** Исмоилий маҳалласида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан кам таъминланган оилалар аъзолари, туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди ва уларга дори-дармон воситалари тарқатилди.


● **«ЁШЛИК»** маҳалласида Наврўзи олам муносабати билан уюштирилган тадбирда маҳалла фаоллари, кам таъминланган оилалар аъзолари, ёшлар иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** кимё-технология институтида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний» жамғармасининг Мирзо Улуғбек туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган тадбирда транспорт хизматини яхшилашда ёшларнинг ўрни муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Иқтисодиёт

ХАЛҚИМИЗДА «ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА, МАШАҚҚАТИНГ ОЗ БЎЛАР» ДЕГАН НАҚЛ БЕЖИЗГА АЙТИЛМАГАН. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК СОҲАСИ ХОДИМЛАРИНИ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА ИЗЛАНИШЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРАЁТГАН «ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТРАКТОРСОЗЛАРИ АНА ШУ НАҚЛГА АМАЛ ҚИЛАДИ.



СИФАТИ ВА ҚУВВАТИГА ЭЪТИБОР

Корхонада тайёрланаётган тракторлар сифати ва иш унумига қаратилган эътибор эса деҳқоннинг оғирини енгил қилишда, мўл ҳосил етиштиришда муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими корхона мутахассисларининг изланишлари асосида ишлаб чиқарилаётган янги тракторларга нафақат мамлакатимизда, балки қўшни давлатларда ҳам харидорлар бор. Корхонанинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ортишида, янги маҳсулот турларини яратишда, уни деҳқон ва фермерларга манзур этишда катта аҳамият касб этмоқда. Тракторларни йиғиш учун эндиликда бутловчи қисмларнинг 90 фоизи ўзимизда тайёрланаётганлиги ҳам эътиборга моликдир. Бу борада тадбиркорларнинг «Ўзкабель», «Тошавтоматика» корхоналари, «Автоойна» акциядорлик жамияти, «Технопластик» қўшма корхонаси билан ҳамкорлиги ўз самарасини кўрсатмоқда.

СУРАТЛАРДА: 30 йилдан бери корхонада меҳнат қилиб келаётган фрезерчи Шукрулла Темиров ўз ишининг устаси ҳисобланади; ушбу техника воситалари, албатта деҳқонга мададкор бўлади.

Ҳасанбой Аввалов олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

ИҚТИСОДИЙ МУЛОҚОТ РИВОЖЛАНМОҚДА

МОСКВАДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН «ИҚТИСОДИЙ МУЛОҚОТ» ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ ҲАМЖАМИЯТИНИНГ БИРИНЧИ ТАШКИЛИЙ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Ўзбекистон компанияларининг Россиядаги ваколатхоналари ҳамда Россиянинг «Альфа-Эко», «Мобильные телесистемы», «Система» АФК, «Газпром», «ЛУКОЙЛ», «РУСАЛ», «Вимм-Билль-Данн», «Балтимор», «Норильский никель», «Внешторгбанк» каби йирик компаниялари раҳбарлари, мутахассислар ва расмий доиралар вакиллари иштирок этди.

Жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Россия муносабатларида иқтисодиёт аста-секин етакчи ўрин эгалламоқда. Йиғилишда ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Россия бизнеси учун саноатнинг деярли барча тармоқларида қизиқиш уйғотаётгани таъкидланди. 2005 йил якунларига кўра, Россия Ўзбекистоннинг савдо соҳасидаги асосий шеригига айланди. Республика жами товар айланмасининг 21,7 фоизи ушбу давлат ҳиссасига тўғри келади. 2005 йилда Ўзбекистондан Россияга экспорт ҳажми 41,6 фоизга ошди ва 1026,5 миллион АҚШ долларига етди. Россиядан импорт ҳажми эса 12,7 фоиз кўпайди ва 1034 миллион долларни ташкил этди. Бугунги кунда мамлакатимизда 433 та Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, шунингдек, юз фоиз Россия сармояси иштирокида ташкил этилган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида, Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 284 та корхона ишламоқда. Бу ерда Ўзбекистоннинг қатор йирик компаниялари ваколатхоналари очилган.

Иқтисодий ҳамкорликни фаол йўлга қўйиш жараёнида бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш ва ахборот кўмаги муҳим аҳамият касб этади. Янги жамоат тузилмаси - «Иқтисодий мулоқот» Ўзбекистон-Россия ҳамжамияти - икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, бу соҳада самарали ахборот алмашувини йўлга қўйишга ёрдам беради.

Ахборот алмашувини таъминлаш, икки томонлама ҳуқуқий, молиявий- инвестицион маслаҳат хизматларини кўрсатиш, ҳамжамият иштирокчиларини Ўзбекистон қонунчилигидаги энг сўнгги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш унинг асосий вазифалари сирасига киради. Бундан ташқари, икки томонлама кўргазмалар, бизнес-форумлар, семинарлар, симпозиумлар, амалий учрашувлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва бу жараённинг асосий йўналишларини таҳлил қилиш режалаштирилган.

Йиғилишда «Иқтисодий мулоқот» ҳамжамияти икки мамлакат тадбиркорларининг очиқ ва ихтиёрий асосдаги бирлашмаси экани таъкидланди. Унга қамрови ва асосий фаолият туридан қатъи назар, иқтисодиётнинг турли соҳаларида Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга ҳисса қўшиш истаги бўлган барча тадбиркор ва ишбилармонлар аъзо бўлиши мумкин.

Икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатлар жадал суръатда ривожланаётганига қарамай, мутахассислар ушбу соҳада ҳали фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини қайд этмоқда, дея таъкидланди йиғилишда. Биринчи навбатда, ушбу муносабатларни чуқурлаштириш учун тўлақонли ахборот алмашишни йўлга қўйиш зарур.

Шу муносабат билан иқтисодий янгиликларни ёритиш учун ахборот хабарномасини чоп этиш тўғрисидаги таклиф маъқулланди. У келгусида Россия бизнесининг Ўзбекистонда, Ўзбекистон бизнесининг Россияда муваффақиятли шаклланиши ҳамда ривожланишига кўмаклашувчи зарур ахборотларни тақдим этиш билан шуғулланади.

Жорий йилнинг апрель ойи бошларида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда Тошкентда Россиянинг Минтақавий савдо палаталари йиғилишини ўтказишни, кейинчалик «Иқтисодий мулоқот» иштирокчиларининг кенгайтирилган учрашувини ташкил этишни режалаштирмоқда.

Экспертларнинг фикрича, «Иқтисодий мулоқот» Ўзбекистон- Россия ҳамжамияти икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорликни янада жадаллаштириш йўлида хизмат қиладиган муҳим омилга айланади.

МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТЧИЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

БУНДАН ИККИ ЙИЛ ОЛДИН ФАОЛИЯТ БОШЛАГАН ДИНИЙ МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР ЮРТИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ ТУБДАН ЯХШИЛАНИШИДА, ОИЛАЛАРДА МАЪНАВИЙ МУҲИТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАМОҚДА.

Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида ҳам маслаҳатчиларнинг хизмати тобора яққол кўзга ташланмоқда.

Маслаҳатчилар фаолият йўналиши янги бўлганлиги туфайли уларнинг ишини ташкил қилиш жараёнида айрим қийинчиликлар юзага келиши табиий. Шу боис уларга доимий равишда зарур услубий ёрдам кўрсатиш мутасадди ташкилотлар, олимлар олдида турган долзарб вазифадир. «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Оила» илмий-амалий маркази томонидан тайёрланган «Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш» услубий тавсиялар қўлланмаси айни шу вазифа ечимига қаратилган.

Қўлланмада маҳалла маслаҳатчилари фаолиятини ташкил этиш бўйича тавсиялар, маслаҳатчиларнинг амалий ишлари тажрибаси, маънавий-тарбиявий ишларнинг долзарб мавзулари атрофлича баён этилган. Шунингдек, китоб саҳифаларидан тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан намуналар ҳамда маслаҳатчилар билиши лозим бўлган айрим атамаларнинг изоҳли луғати жой олган.

ЎзА



ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ҲАР БИРИМИЗНИНГ УЗОҒИМИЗНИ ЯҚИН, ОҒИРИМИЗНИ ЕНГИЛ ҚИЛУВЧИ МУҲИМ ҲАРАКАТ ВОСИТАСИДИР.

Фармон ва ижро

ЙЎЛОВЧИ ВА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ

Истиқлол йилларида пойтахтимиз аҳолисига ушбу йўналишда кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилашга қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ, шаҳарда бу борада кўплаб янги қулайликлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил 11 январдаги Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштиришга оид фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат стандартларига мослигини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур Фармонда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тузилмалари билан бир қаторда, жамоат бирлашмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, техник жиҳатдан соз, озода, ҳар томонлама қулай транспорт воситасидан фойдаланишга эришиш учун нафақат хизмат кўрсатиш тузилмалари, балки йўловчилар ҳам масъул.

«Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат бирлашмалари ташаббуси билан шу йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлаш, аҳоли, айниқса ёшларнинг транспорт воситаларидан оқилона фойдаланиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш маданиятини янада юксалтириш мақсадида пойтахтимиздаги мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари иштирокида кўплаб тадбирлар ташкил этилаётир.

Тошкент кимё-технология институтида бўлиб ўтган ана шундай учрашувда мазкур жамоат бирлашмалари фаоллари, йўл ҳаракати хавфсизлиги идоралари вакиллари, талаба ва мураббийлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, халқимизнинг умуммиллий бойликларни асраб-авайлаш борасидаги азалий қадриятларининг аҳамияти, ёшларни ушбу анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашда таълим муассасалари, маҳаллалар ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар хусусида сўзладилар.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Хамкорлик

МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ ДУНЁ ЭШИКЛАРИ ЮРТИМИЗ УЧУН КЕНГ ОЧИЛДИ. ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАЎРНАТИЛГАН ДЎСТЛИК, ШЕРИКЛИК, ЎЗАРО ҲАМКОРУ ҲАМФИКРЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНИБ, КЎЗДА ТУТИЛГАН ХАЙРЛИ НАТИЖАЛАРНИ БЕРА БОШЛАДИ. ХУСУСАН, СЕРГЕЛИ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН БУ БОРАДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ФИКРИМИЗГА ДАЛИЛ БЎЛА ОЛАДИ.



«ДЎСТЛИК БОҒИ» БУНЁД ЭТИЛДИ

Куни кеча туман аҳолиси катта бир шодиёнага гувоҳ бўлди. Жанубий Кореянинг Наджу шаҳридан ўзаро дўстлик ташрифи билан келган меҳмонлар туман ҳокимлигига 1000 туп мевали дарахтларни совға қилишди.

— Дўстлик, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда шериклик муносабатлари ушбу шаҳар мэрияси билан 2005 йилда ўрнатилган, — дейди туман ҳокими Мутолиб Абдуллаев. — Биз кореялик дўстларимиз таклифи билан у ерда бўлганимизда ҳар бир соҳа билан яқиндан танишар эканмиз, бир дона меваси 2 килограммгача келадиган нок дарахтларини кўриб ҳайратланган эдик. Бугун олиб келинган мевали дарахтларни туман ҳокимлиги, мактабгача таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш тизими ҳудудидаги боғларга экиб, икки мамлакат ўртасида узилмас ришта боғлайдиган «Дўстлик боғи»ни бунёд этмоқчимиз.

Туман ҳокимлигига йиғилган меҳмонлар, туман фаоллари, Корейс миллий-маданий марказининг туман бўлими ходимлари ва ўзбек халқи билан бир оила фарзандларидек тинчлик-тотувликда яшаб келаётган корейс миллатига мансуб бўлган аҳоли туман ҳокимлиги боғига кўчатларни ўтказиш тадбирида иштирок этдилар.



— Корейс ва ўзбек халқи азалдан бир-бирига дўст, биродар бўлиб келган, — дейди биз билан суҳбатда Жанубий Кореянинг Наджу шаҳри мэрияси вакили Еинг Жо Ким. — Ишонамизки, яхши ният билан бошланган хайрли ишларимиз тинчлик-тотувлик, яхши қўшничилик, икки давлат ўртасида эзгулик кўприги бўлиб хизмат қилади.

— Ўзбекистон — бизнинг уйимиз, жонажон Ватанимиз, — деди ушбу тадбир иштирокчиси, Корейс миллий-маданий маркази туман бўлими раиси Лян Эльдорадо. — Шу ерда туғилиб ўсдик, илм олдик, оилали, бола-чақали бўлдик. Урф-одатларимиз, анъана-удумларимизни янада ривожлантирган ҳолда ўзбекларнинг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги сабабли дўст-биродарликда яшаб келяпмиз. Икки давлат, икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар албатта яхшиликка хизмат қилади. Насиб қилса, бугун ўтқазилаётган мевали дарахтлар 3 йилда ҳосилга киради, дўстлик, биродарликни тараннум қилиб ширинган-шакар мевалар беради. Боғу-бўстонга айланган Сергели туманидаги бу ажиб «Дўстлик боғи»га барча ҳавас қилади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: Сергели туманида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Ҳунари гўзаллар

АЛПОМИШУ БАРЧИНОЙЛАР УЛҒАЯДИ

ЭСКИ ШАҲАРДАГИ ҲУНАРМАНДЛАР РАСТАСИНИ КЕЗИБ, ҲАҚИҚАТАН ҲАМ ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ УСТАЛАРИ МАҲОРАТИГА, БУГУНГИ КУНДА ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАРИГА ҚОЙИЛ ҚОЛАСИЗ. ШУНИНГ БАРОБАРИДА ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР — ОТА-БОБОЛАРИ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ, ЎЗЛАРИ ЯСАГАН МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, ШАРҚОНА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗИ САНАЛМИШ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ХОРИЖЛИК САЙЁҲЛАРНИ ҲАМ ЛОЛ ҚОЛДИРАЁТГАНИ ФАХРЛАНИШГА АРЗИРЛИ.

Бу ерда бешикчилар, сандиқчилар, темирчилар ва бошқа турли ҳунарлар эгаси бўлмиш сулолалар вакиллари меҳнат қилишадики, авлоддан авлодга ўтиб келаётган ҳунар сирлари тобора сайқаллашиб, ижодий бойитилиб, шаклланиб бораётгани харидорларни ҳам мамнун этади.

Уста бешиксоз Комиловлар сулоласини нафақат Эски шаҳарда, балки пойтахтимизда ҳам яхши билишади, меҳнатларини эъзозлашади. Чунки улар ясаган бешикларда юзлаб, минглаб кичкинтойлар ором олган, санъат даражасида яратилган ҳар бир бешик бешик тўйларининг кўрки бўлган. Оналарнинг қалб қўридан жаранглаб чиққан «алла»-лари ҳам мана шу бешиклар узра таралган, кичкинтой қалбига бешик тебраниши ила кириб борган.

— Бешик боласи — бек боласи, дея таъриф берилганида донолар ҳеч ҳам янглишмаганига аминман, — дейди бешиксоз Комиловлар сулоласининг 4-авлод вакили Рихси ая Комилова. — Ҳар бир ўзбек хонадонида туғилган чақалоқ борки, бешик унинг энг яхши маскани, ором ётоғи. Бешикнинг фазилатлари жуда кўп, буни бугун ҳеч ким инкор эта олмайди. Ахир унда ўзбекнинг Алпомишу Барчинойлари катта бўлишмоқда. Шу боис ҳам ўз ҳунаримиз билан ҳар бир хонадонга кириб бораётганимиздан фахрланамиз. Чунки бешиксознинг дилида битта эзгу ният бўлади, у ҳам бўлса чақалоқ «инга»си янграсину ҳар бир хонадон тўрига бешик кириб борсин, деган тилакдир.

Ҳозирда ҳунармандларга яратилган шарт-шароитлар, солиқ имтиёзлари ривожланиш омили бўлмоқда, ёшларни ҳам ҳунар сирларини мукаммал эгаллашга ундамоқда. Сулоланинг 5-авлоди бўлган Рихси опанинг ўғиллари Дилшод, Алишер, Шуҳратлар бешик ясаса, келинлари ва қизлари уни бўяб-безаш билан шуғулланади. Ая эса барча ишда уларга бош-қош, бешик анжомларини тайёрлашда унга тенг келадигани йўқ. Набиралар ҳам ҳадемай уста бешиксоз бўлиши аниқ. Чунки улар бўш вақтларини ҳамиша устахонада ўтказишади. Усталар кейинги пайтда икки қаватли болалар каравоти, беланчак сингари маҳсулотларни ҳам маромига етказиб тайёрлашмоқда. Албатта, уларни ясашда мустаҳкам ва чидамли хом ашёлардан фойдаланилади.

Сулоланинг яна бир ибратли ишини таъкидламай иложимиз йўқ. Хонадон усталари ўз ҳунарларини ҳеч кими йўқ — етим-есирларга ўргатиб, уларга тўғри йўл танлашларида кўмаклашишмоқда. Бугунги кунгача ана шундай шогирдларнинг 12 нафари уста бешиксозга айланди.

Ҳунармандлар тайёрлаган маҳсулотлар 3 та дўконда харидорларга тортиқ этилмоқда. Сифатга ва безалишига қаратилган эътибор эса муваффақиятларга гаров бўлмоқда. Яқинда бўлиб ўтган «Ташаббус» кўрик-танловининг Собир Раҳимов тумани босқичида Рихси ая Комилова ва шогирдлари ясаган маҳсулотлар «Энг яхши ҳунарманд» номинациясини бўйича 2-ўринга лойиқ топилди. Бу, албатта, ҳунарга меҳр-муҳаббат, садоқат намунасидир.



Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: бешиксоз уста Абдумажид Рауфов Рихси аянинг энг маҳоратли шогирдларидан саналади.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Анжуманлар

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ СОҒЛИҒИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА ИШ ҲАҚИ ҲАМДА УСТАМА ҚЎШИМЧА ҲАҚ ТЎЛАШ, МЕҲНАТ КОДЕКСИДАГИ ТЕГИШЛИ МОДДАЛАР БЎЙИЧА ПЕДАГОГ-ХОДИМЛАРНИНГ ВА ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ УЧУН БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАРГА ТЎЛА АМАЛ ҚИЛИНИШИ, МЕҲНАТ ВА ЎҚИШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ИШЛАР ҲАМ АЙНАН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ.

Куни кеча Тошкент кимё технология институтида бўлиб ўтган анжуманда ҳам бирлашган касаба уюшмаларининг ўтган Сиҳат-саломатлик йилида амалга оширилган ишлар ва 2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили давлат дастури ижроси йўлидаги юмушлар ҳақида сўз борди.

— Институтимиз раҳбарияти билан тузилган жамоавий шартнома асосида иш олиб борилиши асносида профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни ижтимоий ҳимоялаш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — деди ўз ҳисоботида институт бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Турсунбой Камолов. — Жумладан йил давомида меҳнат ва бошқа турли таътилларда уларнинг соғлиғини тиклаш учун санаторий ва даволаниш масканларига, ходимларнинг фарзандлари учун соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар ажратилган. Бундай хайрли юмушлар учун профессор-ўқитувчилар, ходимларга 220228 сўм, талабаларга 18000 сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилган. Илғор, аълочи, билимдон талабаларга таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши томонидан стипендиялар ажратилди. Оилавий шароити қийин бўлган ходимлар учун 4172580 сўм, ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим, ногирон ёки ота-онаси ногирон талабаларни қўллаб-қувватлаш учун эса 1014250 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Институт «Илмий кенгаши»-нинг қарорига кўра ёрдамга муҳтож 9 нафар талабаларнинг тўлов-шартнома маблағлари тўлаб берилди.

Тадбирда сўз олган институт ректори Садриддин Туробжонов бирлашган касаба уюшмаси фаолияти ҳақида, айни вақтда ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб, унинг ечимини топишга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигига эътиборни қаратди. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида савобли ва эзгу юмушлар давом этиши ҳақида фикр билдирди.

Анжуман қатнашчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олдилар.

Азиза МУҲАМЕДОВА,
Умида МАҲКАМОВА

«SARKOR-TELEKOM» КОМПАНИЯСИ АҲОЛИГА ЯНГИ ХИЗМАТ «EXTREME» - ADSL ТЕХНОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДА ИНТЕРНЕТДАН УЙДА ФОЙДАЛАНИШ ХИЗМАТИНИ ТАКЛИФ ЭТМОҚДА.

«SARKOR-TELEKOM»НИНГ ЯНГИ ХИЗМАТИ

Бу технология глобал тармоққа тезлик билан уланиш учун телефон линиясидан фойдаланиш имконини беради. Бунда модемнинг ишлаши телефондан фойдаланишга халақит бермайди. Ушбу технология оддий модемларга қараганда ахборотни тахминан икки марта тез узатиш имконини беради.

Компания Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан сифат жиҳатдан янги технологиялардан фойдаланмоқда ва Интернет тармоғига уланишнинг янада тез ҳамда кенг тарқалган услубларини таклиф этмоқда. Бугунги кунда компания қатор йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириб, техника янгиликларининг қулайлиги ва ўзига хослигини исботлади.

«Sarkor-Telekom» савдо белгиси Ўзбекистоннинг Интернет хизматлари бозорида яхши таниш ва ўн минглаб фойдаланувчилар ишончини қозонган.

ЎзА

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

БОЛА САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА БОЛАЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА МУКАММАЛ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА КЎМАКЛАШИШ БОРАСИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИМЛАРИ, ШИФОКОРЛАРИ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН БИРГА РОССИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тадбирда улғайиб келаётган авлодни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол этиб тарбиялаш, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мамлакатимизда тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишига салбий таъсир этувчи омилларнинг олдини олиш, касалликларни даволашнинг самарали усуллари ва воситаларини амалда қўллаш, болалар саломатлигини муҳофазалашда оила, мактаб, маҳалла ва тиббий муассасалар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди. Педиатрия соҳасида қўлланилаётган янги дори-дармон ва бошқа тиббий воситалар кўргазмаси намойиш этилди.

ЎзА

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

● Украина радиофизика ва электроника институтида самовий «Радиокўз» яратилди. Ўзининг ўткирлиги билан энди у Шимол йўлларида ҳар қандай навбатчининг ўрнини бажариши мумкин. Ер сатҳининг тузилишини масофадан ўрганадиган радиолокацион қурилманинг саноат учун мўлжалланган янги нусхаси ернинг «Космос-1766» сунъий йўлдошига ўрнатилади. «Радиокўз» қоронғида ҳам қалин булутлар оралаб қутб кечасини кўра олади. Радиотўлқинлар ер сатҳидан бир хил бўлиб қайтмайди. Сигналларнинг тезкор оқимидан қуруқлик ҳамда сувни, ҳар хил қалинликдаги музликларни, ёриқларни, тепаликларни, муздаги каналларни аниқ илғаш мумкин. Янги локатор биринчи синовдаёқ Антарктида музликларида йўқолиб қолган дизель-электроходни қутқаришда катта ёрдам бериб ўзини оқлади.

● Свазилендда ажойиб анъана ҳануз сақланиб келмоқда. Бу одат фақат мамлакат қиролига таллуқли бўлиб, қирол ҳар йили камида битта шерни яккама-якка олишувда енгиши ва ўлдириши керак. Шу билан у ўз кучи ва мардлигини, қисқаси қиролга хос фазилатларини намойиш этади.

● Ҳозирги кунда 20 миллиондан ортиқ америкаликлар ичи сув билан тўлдирилган махсус тўшакларда ухлашади. Бундай усул бир неча йиллар муқаддам Америкада, тўғрироғи Калифорнияда пайдо бўлганди. Шифокорларнинг таъкидлашларича, турли бел оғриқларидан азоб чекаётганларга худди шундай усул фойда бераркан.

● Бобурийлар сулоласидан энг ёркин ёдгорлик бўлиб, Ҳиндистонни безаб турган Тожмаҳал мақбараси унинг атрофида тўпланган халқ кўзи олдида бир неча дақиқага ғойиб бўлди. AFR агентлигининг хабар беришича, бу мўъжизанинг ижрочиси ҳиндистонлик иллюзионист Соркар бўлган. Хабарда айтилишича, у охирги марта 1992 йили ўз ҳунарини намойиш қилиб, ўтиб кетаётган поездни кўздан йўқотган эди. Соркар бундан олдин ҳам Калькуттада қиролича Виктория ёдгорлигини, Японияда эса учиш майдончасидаги самолётни йўқотиб тилга тушган. «Мен Тожмаҳални бир неча дақиқага кўринмас қилиб қўйдим, холос — бор-йўғи фокус мана шу. Аммо бу мендаги қандайдир илоҳий қудрат белгиси ҳам эмас, бу ишларни қилиш учун борлиқ-атроф билан алоқа ўрнатиш ва фикрни бошқара билиш кифоя», дейди Соркарнинг ўзи.

● Даниялик олимлар нусха кўчирувчи ва кўп нусхада босувчи машиналарни текширувдан ўтказишди. Уларнинг фикрича, қурилма бир йил ишлагандан сўнг ўзидан озон гази ажратиб чиқара бошларкан. Бу эса ўз навбатида одамларга, айниқса, операторга ёмон таъсир қилиб, димоғини қичитади, бош оғриғини келтириб чиқаради, кўнгил айнитади, ўпка касалликларига мойилликни кучайтирар экан. Шунинг учун шифокорлар бу қурилмаларни йўлакларга, катта хоналарга ўрнатишни ва хонани тез-тез шамоллатиб туришни тавсия этмоқдалар.

● Оқ сақич фойдалими? Ҳа, фойдаси бор экан. Бу ҳақда оқ сақич ишлаб чиқарувчи фирма эгалари эмас, балки америкалик тиш табиблари кафолат беришмоқда. 20 дақиқа давомида оқ сақич чайнаш тишни яхшилаб тозалаш билан баробар экан. Бундан ташқари, сўлак безларини ажратиб чиқарган суюқлик кислота кўпайишига йўл қўймайди, шунингдек, тиш чиришининг олдини олади.

● Узунлиги 24 миллиметр, баландлиги 8 миллиметр ва тана диаметри 13 миллиметр бўлган моторли вертолёт 1966 йил Маинз Микротехника институти (Германия)да ясалган. Бу веротлёт 130 миллиметр баландликка кўтарила олади.

● Жеймс Гимзевск Швейцариянинг Цюрих шаҳридаги IBM лабораториясида ниҳоятда қичик микроскоб калькулятор ясаган. У 60 та углевод атомидан ташкил топган. Агарда ҳар бир атомни оддий футбол тўпига тенглаштирилганда эди, унда калькулятор Эйфель минораси билан баравар бўларди.

● БМТнинг «Халқаро ёшлар муаммоси» ахборотномасида ҳозирги дунё ёшлари инсоният тарихидаги энг билимли авлод деб тан олинганлиги айтилади. Ушбу ташкилот экспертларининг хулосасига кўра, кейинги ўн йилликда мактабга қатновчи болалар сони 56 фоиздан 78 фоизга ошган. Олий ўқув юртлари талабалари 69 миллиондан 88 миллионга кўпайган. Бу ўзгаришларнинг аксарият қисми ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади. Шу билан биргаликда дунё бўйича ёшлар ўртасида ишсизлик 14,4 фоизга кўтарилди. Ҳозирда ёшларнинг 18 фоизи ёки 209 миллион нафари камбағалликда кун кечирмоқда. Бу кўрсаткичлар Жанубий Осиё ва Африка мамлакатлари ҳудудларида юқорилигича қолмоқда.

● Дунё супермоделлари орасида энг дарози Австралиялик Элли Макферсом бўлиб, унинг бўйи 1,85 метр, бироқ бўй-басти ниҳоятда мутаносибдир. У 1994 йили «Сирети» фильмида бош ролни маҳорат билан ижро этиши билан бирга, аёллар ич кўйлаги ишлаб чиқарадиган кичик корхонадан йилига 8,30 миллион доллар даромад топадиган ягона аёлдир.

● Мабодо Англияга йўлингиз тушиб қолса, ҳаргиз итдан эҳтиёт бўлишни унутманг. Йўқ, тағин бу мамлакатда қопоғон итлар кўп эканда, деган хаёлга борманг. Аксинча, оёғингиз тагида ўралашган итни босиб кетсангиз, бошингиз нақд балога қолади. Чунки бу мамлакатда итни босиб кетиш одамни босибкетишдан кўра оғирроқ жазони келтириб чиқаради. Гап итнинг қадри ҳақида бораркан, дунёнинг бошқа мамлакатларида бундай ғалати тартиб жорий этилганини кўриш мумкин. Масалан, Швеция ва Норвегияда итлар учун солиқ тўлаш жорий этилган. Хўш, ит солиғини тўлаш қандай тартибда амалга оширилади? Масаланинг бу томони янада қизиқ. Яъни, Швецияда ит эгаси итнинг бўйи паст бандлигига қараб солиқ тўласа, Норвегияда итнинг узунлигидан келиб чиқиб солиқ тўланади.

ИШГАМАРҲАМАТ!

Мусоҳаба

ҲИССАЛАРИ САЛМОҚЛИ

ПОЙТАХТЛИКЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ ИШСИЗЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР. УШБУ ЎҚУВ МАРКАЗИНИНГ ДИРЕКТОРИ АБДУҲАМИД МУСТАГИЗОВ БИЛАН ЖАМОАНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА СЎЗЛАШДИК.



— Абдуҳамид ака, ўқув марказининг вазифалари нималардан иборат?

— Пойтахтимиздаги барча туман меҳнат бўлимлари қатъий режага асосан фуқароларни хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда марказимизга касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ҳамда малакасини ошириш учун йўлланмалар билан юборишади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда ўқув дастурларимизда илғор, хорижий давлатларнинг мазкур соҳасидаги етакчи мутахассисларининг эришган ютуқлари, илғор тажрибаларидан унумли фойдаланмоқдамиз. Жумладан, миллий калорит, анъанавийлик, давомийлик, замонавий касб-ҳунарларга бўлган қизиқиш ўқув маркази жамоасининг имкониятларининг тўла ишга солинишини, изланишлар доимийлигини таъминламоқда.

Эътиборли томони, самарали саъй-ҳаракатларимиз боис, битирувчиларимизга талаб ортганлигида кўринмоқда. Шаҳримиздаги мавжуд бўш иш ўринлари қатъий ҳисобга олинган ҳолда бизда ҳозирги кунда икки йўналишда 27 та касбларга ўқитилмоқда.

Марказимизда тикувчи-бичувчи, бухгалтерлик ҳисоби, офис менежери, компьютер мутахассиси, котиба-референт, электргазпайвандчи каби касбларга ўқитиш курслари 1 ва 5 ойлик бўлиб, ўқишни муваффақиятли тугатганларга малакасини тасдиқловчи Давлат намунасидаги гувоҳномалар топширилади. Уч йилдан бери таълим Европа давлатларининг илғор тажрибалари асосида, яъни икки-учта маъруза ўқилгач, амалиёт ўтилиши усулида олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимига қарашли «Абулқосим» мадрасасининг 14 нафар қўли гул ҳунарманд усталари «Усташогирд» йўналишида ўтган йили 225 нафар фуқарони ўқитишди. Жорий йил бошидан эса ушбу дастур бўйича 25 нафар киши ўқитилмоқда.

— Ўқув марказида шарт-шароитлар етарлими?

— Ҳозирги кунда марказимизда 16 та аудитория, 3 та замонавий компьютер хоналари, 3 та тўлиқ жиҳозланган устахона, шунингдек, дастгоҳ-ускуналар ўрнатилган, дурадгорлик ҳамда электр газ пайвандчи касбига ўқитганларга мўлжалланган махсус устахоналар мавжуд. Ўтган йили ўқув марказимизда 2866 нафар фуқаро таълим олган бўлса,



жорий йил бошидан 470 нафар фуқаро йўлланмалар билан келишди. 2 ой давомида 384 нафар битирувчиларга мутахассисликларига кўра гувоҳномалар топширилди.

Қўли гул усталаримиздан Анорқиз Аюпова каштачилик йўналишидаги қадимги усулни қайта тиклаш йўлида самарали саъй-ҳаракатларни амалга оширди, яъни бунда кашта тикиладиган мато ҳам алоҳида танланади. Қадимда у махсус усулда тайёрланганлиги ҳамда тайёр маҳсулотга ўзгача жозиба ва бетакрорлик бағишлаши муҳим ҳисобланган. Шунингдек, моҳир уста Бибихадича Исломова попопчиликда ўзига хос мактаб яратганлиги боис ҳам алоҳида ажралиб туради.

Зардўзлик, миллий либослар усталарини тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, ўқув марказимизда бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда икки йилдан буён вазирлик ҳамда Республика Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган шартнома асосида доимий иш билан банд бўлмаган аёлларни бозор кўникмаларига ўқитиш режага киритилган.

— Қайси ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласизлар?

— Ўқув марказимизда таълим беришнинг замонавий ҳамда анъанавий усулларининг бугунги кун талаблари даражасида бўлишини таъминлаш мақсадида шаҳримиздаги кўплаб олий ўқув юртлари, таълим марказлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилинмоқда. Масалан, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Республика Таълим маркази, стенография курслари, Тошкент Қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежи кабилар ҳамда хорижий ҳамкор— Германия Халқ университетлари уюшмасининг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси билан шартномалар тузганмиз.

Иш фаолиятимиз қатъий режамизга кўра олиб борилмоқдаки, ҳамкорлар тажрибалари чуқур ўрганилиб, самаралилари таълимда татбиқ қилинмоқда, ўқув базамиз эса замон талаблари даражасида модернизациялаштирилмоқда.

Суҳбатдош Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТЛАРДА: Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказининг таълим жараёнидан лавҳалар.

Ёшлар — келажагимиз

КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШМОҚДА

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДА ТОШКЕНТ АВИАСОЗЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА ҲАМ ИБРАТЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.





Ушбу таълим масканида бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчи-ёшларга танлаган мутахассислигига кўра назарий билим билан бирга бирйўла лаборатория ҳамда устахоналарда касбга кўникма ҳосил қилинса, амалиёт эса Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамиятининг цехларида ўтади. Амалиёт қатъий жадвал ҳамда ҳомийларнинг назорати остида малакали мураббийлар раҳбарлигида олиб борилади. Шунингдек, ўқувчилар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясида ҳам ўз касбларини пухта эгаллаш учун амалиёт ўташлари ҳақида коллеж билан 2009-2010 ўқув йилларига мўлжалланган узоқ йиллик шартнома имзоланган.

1998 йилда коллеж мақомини олган билим даргоҳида ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Талаблар даражасида жиҳозланган ўқув хоналари, замонавий лаборатория, спорт зали, устахоналар, кутубхона ўқувчилар ихтиёрида. Биргина физика лабораториясини айланар эканмиз, ёшларнинг механик физика, оптика, электрон динамика, атом физикаси ҳамда бошқа бўлимлар бўйича 48 хил лаборатория ишларини ўтказишга мўлжалланган асбоблар, жиҳозлар, шунингдек, устахоналардаги хорижий, юксак самарали дастгоҳ ва ускуналар Осиё Тараққиёт банки томонидан ажратилган кредит ҳисобига келтирилган.

— Маълумки, 2001 йилдан бошлаб «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси» доирасида, — дейди коллеж директори Қобул Йўлдошев, — касб-ҳунар коллежларини умумтаълим ва касбий фанлар бўйича энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, педагог, муҳандис-педагогларнинг малакасини ошириш ҳамда ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Ушбу банк коллежимизга 350 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратди, бундан ташқари, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 1 миллиард сўм маблағи ҳисобига 150 ўринли ётоқхона таъмирдан чиқарилди.

Иккита ўқув биноси, ўқув ишлаб чиқариш устахоналари — бир йўла ўн уч нафар ўқувчилар машғулот ўтаётган замонавий компьютер хоналари, металлга ишлов бериш, авиасозлик техникаларини йиғиш, учиш аппаратлари ҳамда авиация двигателларини таъмирлаш, халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодчи ва режалаштирувчи, механика- йиғув ишлари слесарь, менежмент, бухгалтерия ҳисоби, ЭҲМ оператори, компьютер графикаси, тикув ишлари каби мутахассисликлар бўйича таълим олаётган ёшларни лаборатория, устахоналарда малакали, касбига меҳр қўйган устозлари, тажрибали усталар билан ҳамкорликда дарсларда кўрдик.

2002 йилда коллеж Ю.Гагарин номидаги авиасозлик техникуми билан бирлашди ҳамда таълимдаги энг мақбул услуб қўлланмоқда. Коллежда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ёшларга махсус фанлардан Дилмира Қосимова, Шодия Тўйчибекова, Дилором Хўжаева, Елена Бичкова, Вера Усаткиналар, ёш ўқитувчилардан Гулноза Шоҳакимова, Юлдуз Нарзиевалларнинг меҳнатлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Шунингдек, жамоадошлари орасида касбининг ҳақиқий заҳматкашлари бўлган усталардан Радион Исанов, Нораҳмад Бобоев, Геннадий Жалилов, Севара Ғуломоваларнинг ўқувчиларда танланган касбига меҳр-муҳаббат уйғотишда муносиб ҳиссаларини эътироф этиш ўринли.

Умумтаълим фанларидан 47 минг нусхадаги ҳамда 30 мингдан ортиқ техник адабиётлар мавжуд коллеж кутубхонаси ва катта, ёруғ қироатхона ўқувчилар ихтиёрида. Эътиборлиси, бюджетдан ташқари 2004 йилда коллеж базасида ишлаб чиқаришдан 10 миллион сўм, ўтган — 2005 йилда эса 15 миллион сўмлик соф фойда олинди. Техник жиҳозлаш самараси, моҳир усталар меҳнати туфайли ўқувчилар халқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам яхши ўзлаштиришган.

Эътиборли томони, коллеж туман, шаҳар, республикамиз миқёсида кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритганлиги бўлса, асосийси битирувчиларга корхоналарда талаб ортаётганлигидир. Жорий ўқув йилида 147 нафар битирувчилар билим даргоҳидан учирма бўладилар. Қувонарлиси, 2 ёки 3 та касбни яхши ўзлаштирган мутахассис кадрлар жойларда мустақил ишлай билишлари билан ажралиб туради.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

СУРАТЛАРДА: касб-ҳунар коллежи ҳаётидан лавҳалар.

Бандлик

ЙЎЛЛАНМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

БЕКТЕМИР ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ҲАМДА ТУМАН МЕҲНАТ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ ҲАМКОРЛИГИДА «СУВСОЗ» ДАҲАСИДАГИ «МИРИШКОР» МАҲАЛЛАСИДА ТУМАНДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ДОИМИЙ ИШ БИЛАН БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИ УЧУН МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛДИ.

— Мазкур «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркасига, — дейди туман меҳнат бўлими раҳбари Мансур Толибов, — барча маҳаллалар аҳолиси таклиф этилди. Уни уюшқоқлик билан ўтказишда яқин ҳамкорларимиз, яъни «Бектемир», «Миришкор», «Маърифат» ҳамда Олим Аширов маҳаллалари фаолларининг кўмакларини алоҳида таъкидламоқчиман. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши аъзолари ҳам жамоамиз аҳли билан биргаликда аҳолига кўмак беришмоқда.

Меҳнат ярмаркасида шу куни туманда фаолият юритаётган 25 та корхона, ташкилот, муассасалар қатнашиб, 126 та бўш иш ўринларини тавсия этдилар. Иш сўраб мурожаат этган аҳолидан 47 нафарига ўз хоҳиш-истагига кўра мутахассисликларига қараб ишга йўлланмалар берилди. Масалан, «Қуюв-механика заводи», «Сувмаш», «Махсусполимер» акциядорлик жамиятлари, «Оби ҳаёт» масъулияти чекланган жамияти, «Агрокерамика» қўшма корхонаси, туман халқ таълими, ободонлаштириш, соғлиқни сақлаш бўлимларига йўлланма сўровчилар кўпчиликни ташкил этди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бошқармасига қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига ўқишга 5 нафар фуқароларга йўлланмалар топширилди. Кўплаб фуқароларга меҳнат бўлими мутахассислари томонидан малакали маслаҳатлар ҳам берилди.

Сирасини айтганда, тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, меҳнат бўлимининг асосий вазифаси бўлган аҳолини иш билан таъминлаш, ҳамда ярмаркалар самарадорлигини оширишдан иборат.

Муяссар АБДУРАСУЛОВА

ЎЗ-ЎЗИДАН ТУГАТИЛАДИМИ?

ТАДБИРКОР СИФАТИДА ТУМАНИМИЗДАГИ ФИРМА БИЛАН МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА ЎЗАРО ШАРТНОМА ИМЗОЛАГАН ЭДИК. МАЗКУР ФИРМА ТУГАТИЛАЁТГАНЛИГИНИ ЭШИТИБ ҚОЛДИМ. ФИРМА ЎЗ-ЎЗИДАН ТУГАТИЛИБ КЕТИШИ ЁКИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ МУМКИНМИ?

Асил Ботирхўжаев,
хусусий тадбиркор.

Қонун бўйича юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу қарорни қабул қилган юридик шахс ўз муассислари ёки кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Бу ҳақда хабар топган кредитор юридик шахснинг қарздор бўлишига олиб келган мажбуриятларни бекор қилишга ёки зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Агар юридик шахс қайта ташкил этилмасдан батамом тугатилаётган бўлса, унда у ўз-ўзидан тугатилиб кетмайди. Яъни, у олдинги фаолият туфайли келиб чиққан барча мажбуриятлар юзасидан жавобгарликни тўла равишда бажарганидан кейингина суд орқали тугатилади.

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ ЙЎҚОЛСА...

ХОДИМ ИШДАН БЎШАГАНДАН КЕЙИН МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙСА, БУ ҲОЛДА У ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИ МУМКИН? ШУ ҲАҚДА ТЎЛИҚРОҚ МАЪЛУМОТ БЕРСАНГИЗ.

Жамшид Ғафуров,
Мирзо Улуғбек тумани.

Шундай ҳолат юз берганда ходим ариза билан меҳнат дафтарчасининг дубликатини ёзиб беришни сўраб охирги иш жойига мурожаат қилишга ҳақли. Ариза қабул қилинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай иш берувчи ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликатини муассасада қолган ходимнинг Т-2 шаклидаги шахсий карточкасидаги ёзувлар асосида ёзиб бериши шарт. Агар кўрсатилган муддатда ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликати ёзиб берилмаса, Меҳнат Кодексининг 275- моддасида кўрсатиб ўтилган оқибатлар келиб чиқади.

Ходим янги меҳнат дафтарчаси ва унинг дубликати ёзиб берилганда ундан белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида ҳақ ундириб олинади.

Меҳнат дафтарчаларини амалдаги Қонунлар асосида юритиш, назорат қилиб бориш, Меҳнат Кодексининг 9-моддасига асосан касаба уюшмаларининг ҳам асосий вазифасидир.

Иқтисодиёт

СУЛОЛА ДАВОМЧИСИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЁШ, ИЗЛАНУВЧАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР ШОИРА АБДУЛЛАЖОН ҚИЗИ УЧ ЙИЛДАН БУЁН «SHERZOD-ABDULLA» МОДАЛАР АТЕЛЬЕСИДА ЯККА ТАРТИБДА ТЎЙ, ОҚШОМ ЛИБОСЛАРИ ҲАМДА САРПОЛАРНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИНИ ТИКИШ ВА БЕЗАШ ИШЛАРИГА БУЮРТМА ОЛАДИ.

Шоира Худойбердиева Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтини битирган, мутахассислиги модельер-дизайнчи бўлиб, ёшлигидан бичиш-тикишни онасидан ўрганган, касбига меҳр-муҳаббати ниҳоятда кучли. У отаси, акаси билан ҳамкорликда элига хизмат қилаётганидан жуда мамнунлигини таъкидлайди. Ишининг устаси бўлган ёш мутахассиснинг эксклюзив либослари нафақат иқтидори, изланишлари, машаққатли меҳнати самараси, уларда Шоиранинг қалб қўри ҳам мужассам.

Эътиборли томони, буюртмалар тез суръатларда, қисқа муддатда бажарилади ҳамда сифатига кафолат берилади. Либосларни чиройли гул, аппликация, бисер, мунчоқлар билан безаш ҳамда тайёр маҳсулотларни қадоқлаш бепул бажарилади. Шунингдек, сифатли, кўркам, замон талабларига мос хорижий матолар модалар ателъеси салонида мижозлар учун кенг ассортиментда қўйилган.

Ҳунармандчилик

ХОРИЖДА ҲАМ МАНЗУР БЎЛГАН

ХАЛҚ АМАЛИЁТИ САНЪАТИНИНГ БЕБАҲО ДУРДОНАЛАРИ ҲИСОБЛАНГАН АСАРЛАР ЎЗИНИНГ ГЎЗАЛЛИГИ, ЖОЗИБАСИ, МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИ БИЛАН КАТТА-КИЧИКНИ, КАСБИ, ДИНИ, ДУНЁҚАРАШИДАН ҚАТЪИ НАЗАР ҲАР ҚАНДАЙ КИШИНИ ЎЗИГА РОМ ҚИЛАДИ.

Шундай ҳунарманд усталар орасида монументал бадиий безаш устаси, моҳир, нозиктаъб рассом Зокир Гулметовнинг натюрморт, портрет, манзара, тематик мавзуларда яратилган турли-туман ишлари ҳозирги кунда нафақат юртимизда, балки Қозоғистон, Россия, Туркия, АҚШ давлатларида ҳам ҳақиқий санъат ихлосмандларини ўзига мафтун қилган ҳамда кўзларни қувнатмоқда.

— «Ҳунар, ҳунардан унар» деб доно халқимиз бежиз айтмайди, — деди мой-бўёқ устаси Зокир Гулметов, — устозларимдан жуда миннатдор бўлган ҳолда, авторлик ишларим, айниқса, Темурийлар тарихи Давлат музейидаги ижодий маҳсулотим қалбимда ғурур, ифтихор ҳисларини уйғотади, келгусидаги ижодий фаолиятимга янада илҳом бағишлайди.

Комила МИРКАМОЛОВА

Санъат

МУСИҚАЛИ КЕЧА

БУГУНГИ КУНДА ТОШКЕНТДАГИ МУХТОР АШРАФИЙ УЙ-МУЗЕЙИ ЎЗИГА ХОС МУСИҚИЙ МАДАНИЯТ МАРКАЗИГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. БУ ЕРДА МАШҲУР БАСТАКОР ИЖОДИНИ ТАРҒИБ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН МУСИҚАЛИ КЕЧАЛАР ҲАМ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Фаолият доираси кенгайиб бораётган уй-музейда янги бўлимлар очиш ҳам режалаштирилди. Шу муносабат билан таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бунинг учун Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги катта миқдорда маблағ ажратди. Ёрдам пули ҳисобидан янги экспонатлар ҳам тайёрланди.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси саъй-ҳаракати билан бу ерда атоқли ижодкорларнинг ижодий кечаларини ўтказишга ҳам киришилди.

ЮБИЛЕЙ КОНЦЕРТ ДАСТУРИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ ЎЗИНИНГ 70 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА КАТТА ТАРАДДУД КЎРМОҚДА. ШУ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН ИЖОДИЙ ЖАМОАНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ ЎТКАЗИЛАЁТИР.

Бундай ижодий сафар Самарқандда уюштирилди. Бундай маданий тадбир давомида мухлислар оркестр томонидан янги тайёрланган концерт дастуридаги қатор асарларни тинглаш имконига эга бўлдилар.

Оркестрнинг Ўзбекистон Давлат консерваториясида берадиган концертлари ҳам қизиқарли ўтишига ишончимиз комил.

Маънавият

МАШҲУР ЭПОС ЎЗБЕК ТИЛИДА

МАШҲУР ЮНОН ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИ ОРАСИДА «ИЛИАДА» ВА «ОДИССЕЯ» ДОСТОНЛАРИ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ. БУ АЖОЙИБ ИЖОД НАМУНАЛАРИ КЎПЛАБ ТИЛЛАРГА ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН.

«Илиада» эпосини эндиликда ўзбек китобхони ҳам ўз она тилида ўқишга муваффақ бўлди. Унинг таржимаси устида сўз санъаткори Қодир Мирмуҳамедов узоқ ишлади. Бу ижодий жараёнда асарнинг ўзбекча мақбул талқини юзага келди.

Машҳур сўз санъаткори Гомернинг бу асарини алоҳида китоб ҳолида чоп этиш тараддуди кўрилмоқда.

Келгусида унинг «Одиссея» эпоси ҳам ўзбек китобхонига тақдим этилади.

НОЁБ НАШР

ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАТОР ИЛМИЙ ТЎПЛАМЛАР БОСМАГА ТАЙЁРЛАНДИ.

Бундай хайрли ишга пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейи ҳам яқиндан бош қўшди.

Ушбу музей негизида «Ўзбекистон шаҳарлари ҳамда машҳур тарихий шахслар энциклопедияси» ҳам яратилди. Биринчи тўпламни ўз ичига олган мазкур нашр мундарижасида Қарши шаҳрининг ўтмиши ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи йирик илмий китоб ҳам бор.

Буюк Ипак йўли ўтадиган серқатнов манзилда ўзини кўз-кўз қилиб турган Қарши шаҳрининг ўзига хос йилномаси кенг ёритилган. Бу китоб Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги археолог олим Эдвард Ртвеладзе илмий таҳририда босмага ҳозирланди.

Акбар АЛИЕВ

Ўз-ўзи ўлганнинг доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Боғбондан парвариш кўрмаса ниҳол,
Улғайиб ўсолмас, тополмас камол!
ХУРРАМИЙ

Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,
Қарилик чоғи харж қил ани.
НАВОИЙ

ҲИКОЯТ. Насаф фуқароларидан бўлмиш бир гуруҳ йигитлар базм ташкил қилишган эди. Базмга мен ҳам таклиф этилган эдим.Бориш истаги кўнглимдан ҳеч ўрин олмаса-да, аммо қолиш хаёли ҳам унинг ўрнини босолмас эди, чунончи, бу ҳақда шундай ҳикматли сўзларни келтирадилар: «Ўйнаб-кулиш ёшлар учун фазилат, қарияларнинг зийнати эса узлатдир!» Ўша пайтда шу ерли бир ёш йигит бўлиб, малоҳатда маъруф, латофатда машҳур, соғлому самимий эди.

Уни ҳам базмга таклиф этишган экан. Йўлда ҳамроҳ бўлиб бирга кетдик.

Хунук, бадфеъл, бадхулқ кишилар билан,
Жаннатга бормоқлик аблаҳлик эрур!
Аммо пари пайкар, ҳурлиқо билан,
Дўзахга бормаслик гумраҳлик эрур!

Базмга келгач, суврати инсон, сийрати ваҳший ҳайвон каби кишиларни кўрдим. Менга маълум бўлишича, базмдагилар ўтириш тугагач, шу ерда ётиб қолишар экан. Рухсат сўраб, кетиш пайига тушдим. Ҳалиги йигитга: «Тур, менга шерик бўл, бу ерда қолма!» деб қанча қистамай, гапимга кирмади.

Пандга қулоқ солса агар ҳар йигит,
Ақли раҳбар бўлар доим ўзига.
Ақлдан кам бўлса баҳрамандлиги,
Асло қулоқ солмас кекса сўзига!

Шундай қилиб, ёлғиз ўзим кетдим. Тонг отгач, эшитсам, базмдагилар ҳалиги йигитга қалтис ҳазил қилишибди. Йигит эса ёнидан пичоқ олиб, бир неча кишини ярадор қилибди.

ХУРРАМИЙ

Машаққат чекмайин асло камола
етмас инсонлик,
Йигитликда ярашмас ҳар ишда
бўлмоқ паришонлик.
ОРАЗИЙ

Умр ёшдин ўтар, ҳавас дилдин,
Аёғинг ҳеч узилмагай гилдин,
Кору боринг эрур пушаймонлиғ,
Бори сулу зиён паришонлиғ.
Мужрим ОБИД

Мўмин киши бировнинг ҳақига хиёнат қилмайди.
ҲАДИС

Жоҳил кексадан ақлли ёш яхши.
«ОТАЛАР сўзи»

Неча дам ғанимат йигитлик чоғи,
Юз онча ғанимат тириклик чоғи.
ХИРОМИЙ

ҲИКМАТ. Қарилик зийнати гапираверишда эмас, балки жим ўтиришдадир.

Сенга айтай бир насиҳат, эй ўғил,
Сол қулоғинг сенга бўлғай жону дил,
Кексаларнинг пандини ёдингга ол,
Не деса «хўп» деб тилингни айла бол!
Ёшлигинг сарф айла ҳар бир кексага,
Ёрдамингни кўрсат, айлан ҳассага!
Кексаларни кўрганингда қочмагил,
Мард кишилар одатидан кечмагил,
Эй йигит, эл бирла бўлсанг яхшидир,
Чеҳранг очиб, шод кулсанг яхшидир.
Шундайин йўл тутки, қолма беҳунар,
Кимда бўлса гар ҳунар ризқи унар.
Яхшиларнинг суҳбатидан тортма бош,
Ёки оқиллар юзига отма тош.
Мард кишиларга қўшил, мардона бўл,
Яхшиликнинг бобида дурдона бўл!
Ёшлик айёмида ҳар иш осон,
Қаригач кучдан қолиб аҳвол ёмон.
Ҳўл шохни қайирмоқ мушкул эмас,
Шох қуриб қолгач ёқилгай ҳар нафас.
Ёш ниҳолга сув бериб хўп боқишар,
Қаригач арра солиб сўнг ёқишар.
Ёшлигингни бил ғанимат бебаҳо,
У билан мақсадга етмоқдир раво.
Айни меҳнат пайтидир, ҳушёр бўл,
Барчани ҳурмат қилу бедор бўл.
Ўйлама шундай қолурман деб абад,
Ёшлик айёмингга бордир чеку ҳад.
Этагингни кексалик қўли тутар,
Беҳисоб ғамлар ўша онда етар.
Бунда сенга лозим ўлғай ул ҳунар,
Ул ҳунар фазли била ғамлар ёнар.
Сен шунинг-чун дангаса бўлма, ўғил,
Ғайрат айла, беҳунар қолма, ўғил.
Гар кишига яхши инсон ёр бўлар,
Яхши инсон бирла бахтиёр бўлар!
ХУРРАМИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 298-мактаб томонидан 1998 йилда Пашшаханов Анвархон Мухтарханович номига берилган O'RD № 467384 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Яккасарой туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасининг «Тоштўқимачи» тиббиёт-санитария қисми маъмурияти туман бош иқтисодчиси Абдураҳимова Севиль Баладжаевнага онаси

Инобатой Турсуновна АБДУРАҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФУКУШИМАЛИК ДЎСТИ

Бу «Ўзбекистон — Фукушима» дўстлик жамиятининг раҳбари, ўзбекларнинг қадрдон дўсти Тошио Шишидонинг мамлакатимизга илк бор келиши эмас.

— Ўзбекистонга биринчи маротаба 1979 йил май ойида келганимни яхши эслайман, — дейди «Ўзбекистон - Фукушима» дўстлик жамиятининг раҳбари Тошио Шишидо. — Ўшандаёқ мамлакатингиз халқининг гўзал ва бетакрор маданияти, анъаналаридан ҳайратланган эдим. Бундан ташқари, япон ва ўзбек халқлари ўртасида кўпгина муштарак жиҳатлар борлигини англадим. Ўшанда мени Буюк Ипак йўли тарихи ва халқларимизни боғлаб турган ришталар қизиқтирган эди. Шундан буён Ўзбекистонга бўлган қизиқишим фақат кучайиб келади. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга қўшаётган камтарона фаолиятимдан бениҳоя мамнунман.

- «Ўзбекистон - Фукушима» дўстлик жамиятига асос солинганига ҳам чорак асрдан кўпроқ вақт ўтганлиги японияликларнинг республикамизга бўлган қизиқиши юқорилигидан далолат беради. Ушбу жамият фаолияти ва унинг режалари ҳақида билишни истар эдик...

- Ўзбекистон билан дўстлик жамияти бир неча оддий япон фуқаролари ташаббуси билан тузилган. У 1993 йили «Ўзбекистон-Фукушима» маданий-иқтисодий ҳамкорлик жамиятига айлантирилди. Жамият Фукушима префектурасининг сиёсатчилари, жамоат ва ишбилармон доиралари вакилларидан иборат 150 нафар аъзони ўз атрофига бирлаштирган.

Жамият фаолиятидан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистон билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, барча соҳалардаги мавжуд алоқалар кўламларини янада кенгайтириш. Бугунги кунда биз нафақат маданият, балки тиббиёт, таълим ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам ҳамкорлик қилмоқдамиз. Бизнинг лойиҳамизга асосан, Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаларининг Японияда ўқиши ташкил этилган. Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан биргаликда Фарғона вилоятида тупроқ ҳосилдорлигини ошириш масалалари билан шуғулланаяпмиз.

Бу сафар жорий йилнинг июль ойида Японияда ўтадиган Ўзбекистон Маданият кунлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун келдим. «Ўзбекистон санъати ва маданияти форуми» жамғармаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигида қатор самарали учрашувлар ўтказдим. Уйга қайтганимиздан сўнг Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкилий масалаларни ҳал этамиз.

— «Ўзбекистон - Фукушима» жамиятининг мамлакатларимиз ўртасида ишбилармонлик борасидаги ўзаро алоқаларини янада кенгайтириш борасидаги фаолияти хусусида ҳам тўхталсангиз...

- Аввалambor, Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида кичик ва ўрта бизнес муҳим аҳамият касб этиши лозим, деб ҳисоблайман. Шу боис, биз япон ишбилармонларининг эътиборини мамлакатингизга кўпроқ жалб этишни истаймиз. Уларнинг Ўзбекистонга келиши, бизнес олиб бориш имкониятларини ўрганиши амалий шерикчилик алоқаларини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Сайёҳликни ривожлантириш масаласига келсак, бунда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этиш билан боғлиқ ишларга катта эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман. Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларингизнинг мавжудлиги мамлакатингизга келаётган сайёҳлар сонини кўпайтириш имконини беради. Бу борада, шунингдек, Фукушима префектураси ва Ўзбекистон ишбилармонлари ўртасида алоқалар ўрнатилишига бизнинг жамиятимиз кўмак кўрсатишга тайёрдир.

«Жаҳон» АА

«02»: ҲОДИСАЛАР

Жиноят қидирув тезкор ходимлари томонидан Андижон вилоятида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 36 ёшли Алиев ўғрилик жинояти учун қўлга олинди. У Собир Раҳимов туманида яшовчи нафақахўр Виноградованинг уйида ижарада яшаб туриб, уй эгасининг йўқлигидан фойдаланиб уйдан 155.000 сўмлик шифонер, каравот, ёзув столи, кресло, диван ва "Саратов" музлатгичини юк машинасига юклаб ўғирлаб кетган. Далилий ашёлар қайтариб олиниб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Учтепа туманида яшовчи Комиловнинг уйидан 400.000 сўмлик кийим-кечаклар ўғирлаб кетилган. Жабрланувчининг ички ишлар идораларига етказган ана шу хабаридан сўнг, олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида, ушбу ўғирликни содир қилган Сурхондарё вилоятида яшовчи 23 ёшли Улуғбек далилий ашё билан ҳибсга олинди. Олиб борилаётган тергов ишлари давомида маълум бўлишича, гумонланувчи Улуғбек олдин ҳам жабрланувчи Комиловнинг уйига, уй эгасининг таклифи билан меҳмон сифатида ташриф буюрган экан.

● Миробод туманида соат 17.00 да кўчада, шу туманда яшовчи 27 ёшли Икром шу туманда яшовчи фуқаро Рибакованинг қўлидаги сумкасини юлиб олиб, қочиб кетган. Сумканинг ичида ҳамёнда пул, аёллар шапкаси, "Моторола" ва "Нокия" уяли телефон аппарати, онасининг нафақахўрлик гувоҳномаси, паспорти, уй ордерлари бўлган. Жиноят қидирув тезкор ходимлари томонидан кўрилган тезкор чора тадбирлар натижасида ушбу жиноятни содир қилган Икром далилий ашёлар билан қўлга тушди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

● Тошкент вилоятида яшовчи ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган 20 ёшли Ольга Ҳамза туманида яшовчи фуқаро Парпиеванинг боғида, офтобга ёйиб қўйилган 70.000 сўмлик гиламини ўғирлаб кетган. Жабрланувчи йўқолган гиламини вақтида сезиб қолиб, тезда маҳалласидаги милиция таянч пунктига хабар берганидан сўнг, зудлик билан олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида гумонланувчи Ольга далилий ашё билан ушланди. Тезкор ходимларга бу ишда маҳаллада яшовчилар, гумонланувчи аёлни гилам билан кўрган гувоҳлар ёрдам бердилар.

● Мирзо Улуғбек туманида жойлашган "Ширин" бозорида Жиноят қидирув тезкор ходимлари томонидан олиб борилган кузатув-текширув ишлари натижасида, шу туманда яшовчи ишининг тайини йўқ, 46 ёшли Пак ушланиб, текширилганида унинг ёнидан 204 грамм марихуана моддаси топиб олинди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

● Наманган шаҳрида яшовчи олдин судланган ҳеч қаерда ишламайдиган Ражабов, таниши Тошкент шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Комилов билан Шайхонтоҳур туманида учрашиб, героин моддасини пуллаётган вақтида жиноят қидирув тезкор ходимлари томонидан қўлга олиндилар.

● Чилонзор туманида яшовчи, бирон ишнинг бошини тутмаган, 21 ёшли Алишер , Юнусобод туманидаги хусусий тижорат дўконининг ойнасини тош билан синдириб, у ердан "Сони", "ДВД" плеери, "Хайруна" телевизор пультини ва 30.000 сўм пулни ўғирлаб кетаётган вақтида, шу ҳудудда тунги хизматни олиб бораётган патрульпост хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди.

● Яккасарой туманида, номаълум шахс, эшик қулфларини бузиш йўли билан муҳандис Константиннинг уйидан 100 АҚШ доллари , 20.000 сўм пули, 900.000 сўмлик тилла тақинчоқлари ва кийим-кечакларни ўғирлаб кетган. Олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида, ЖКБ ходимлари томонидан олдин судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган, Тошкент шаҳрида яшовчи Валера далиллар билан ҳибсга олинди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

Юлдуз АШИРОВА,
майор, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори



Изоҳга ҳожат йўқ..

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.



Танловлар

ЁШ МУСАВВИРЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

ШАҲРИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «НОЗИК ҚАДАМ» МАДАНИЯТ УЙИ ЎҚУВЧИЛАРГА САНЪАТ СИРЛАРИНИ ЎРГАТИШ МАҚСАДИДА МАҲАЛЛА ҲАМДА ҲОМИЙ ТАШКИЛОТЛАР ЁРДАМИДА ТУМАНЛАРДА, СТУДИЯЛАР ТАШКИЛ ЭТДИ.

Шулардан бири «Сергели деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ва Шукур Бурҳонов номли маҳалла билан ҳамкорликда ташкил этилган «Тасвирий санъат» студиясидир. Ушбу студияга иқтидорли ўқувчиларни жалб этиш мақсадида «Нозик қадам» маданият уйи раҳбарияти, Сергели туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, Ички ишлар бошқармасининг туман бўлимлари ҳамкорликда «Ёш мусаввир»лар кўргазмали танловини ташкил этдилар.

Яқинда уч босқичдан (мактаб, ҳудуд, туман) иборат бўлган танловнинг якуний туман босқичи бўлиб ўтди.

«Энг ёш мусаввир» номинациясида ҳудудлар бўйича 300-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Дониёр Отабеков, 2-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Кристина Алматова, 104-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Наташа Пак ғолиб деб топилдилар.

— Кўргазма низомига мувофиқ, — дейди «Нозик қадам» маданият уйи директор ўринбосари Муҳайё Муҳаммадхўжаева,— «Энг ёш мусаввир» номинацияси бўйича туман ва ҳудуд ғолиблигини қўлга киритган 10 нафар ўқувчи, маданият уйи қошидаги тасвирий санъат студияларида бепул ўқиш билан бирга керакли ўқув қуроллари билан ҳам таъминланадилар.

Бугунги кунда «Нозик қадам» маданият уйи ташаббуси билан Миробод ва Яккасарой туманларида ҳам тасвирий санъат студиялари ташкил этилган ва умумтаълим мактаб ўқувчиларининг «Ёш мусаввир» кўргазмали танловларини ўтказиш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, болалар келажак юлдузлари, эртанги куннинг порлоқ ёғдулари ҳисобланади. Шундай экан, уларнинг иқтидорларини қўллаб-қувватлаш, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан ёрдам бериш, йўл-йўриқ кўрсатиб рағбатлантириб бориш барчамизнинг бурчимиздир. Бу борада ташаббусни ўз қўлига олган «Нозик қадам» маданият уйининг олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: кўргазмали танловдан лавҳалар.

Шифобахш таомлар

ТУРШАКЛИ ШАВЛА

БАРЧАГА МАЪЛУМКИ ЭРТА БАҲОР ПАЛЛАСИДА ИНСОН АЪЗОЛАРИДА ТОЛИҚИШ ПАЙДО БЎЛАДИ. ОРГАНИЗМНИНГ ДАРМОНСИЗЛАНИШИ ОҚИБАТИДА У ЁКИ БУ КАСАЛЛИК ИСКАНЖАСИГА ТУШИБ ҚОЛИШ МУМКИН. АНА ШУНДАЙ ВАҚТЛАРДА ҚУВВАТБАХШ ТАОМЛАРДАН БИЛИБ-БИЛИБ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ,САЛОМАТЛИК УЧУН КОНИ ФОЙДА ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўзбек дастурхонини безайдиган юзларча таом турлари маълум. Улардан бири туршакли шавладир.

Мазкур таомни тайёрлашда пиёз доира шаклида, сабзи узун-узун қилиб тўғралади. Қиздирилган ёғга солиб, қозоннинг қопқоғини бостириб, паст оловда тахминан 10 дақиқа давомида қовурилади. Қоқ ўрикни («Кўрсодиқ», «Мирсанжали», «Исфарак» ёки «Хурмойи» навли ўрик туршаклари ёхуд баргаклари) қозонга солмасдан олдин 20 дақиқа иссиқ сувда ивитиб қўйилади. Сўнгра қозонга солиб, ўрик қайнаб чиққунга қадар гуручни яхшилаб тозалаб қозонга солинади, туз ва сув солиб қайнатилади.

Туршакли шавла шифобахш бўлиб, ошқозон-ичак мухитида жуда осон ҳазм бўлади. Қабзият билан оғриган кишиларга, айниқса фойдали. Толиққан юракка қувват бағишлайди. Таом таркибида мавжуд бўладиган биологик фаол моддалар жигар, томирлар, модда алмашинувининг бузилиши каби хасталикларда, айниқса бу касалликларнинг сурункали кўринишларида тавсия этилиши мумкин,

Доно ХЎЖАЕВА

Мунажжим башорати

УЙҒУНЛИК КУНИ

4 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

МУНАЖЖИМЛАРИМИЗ БУГУНГИ КУННИ ТАБИАТ ВА ИНСОН, ТАФАККУР ВА ФАОЛИЯТ УЙҒУНЛИГИ КУНИ ДЕЯ ТАВСИФЛАШГАН. БИТИМЛАР ТУЗИШ, ТИЖОРАТ ВА ВОСИТАЧИЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ САМАРАЛИ БЎЛАДИ.

Шунингдек, ижтимоий поғонанинг яна бир юқори босқичига кўтарилиш, таъсир доирасининг кучайиши учун ҳам бугунги сешанба ғоят қулай ҳисобланади. Ишингизни, касбингиз, соҳангизни ўзгартириш бўйича кутилмаган таклифлар тушади.

Музокаралар, суҳбатлар олиб боринг, ўз баҳоингизни ўзингиз ерга урманг. Таклиф қилишяптими – демак, фазилатларингизни билишади. Қарорни бугун-эрта қабул қилинг. Шубҳаланишга кейин улгураверасиз, имкониятни бой берманг.

Бугун танани тозаловчи, баданни чиниқтирувчи муолажалар, ҳаммом қилиш, совуқ сувни устингиздан қуйиш фойдали. Қудуқ ёки булоқ сувини, умуман суюқликни кўпроқ истеъмол қилиш керак бўлади.

Агар қуш қаноти билан сизга тегиб ўтса ёки ёмғирда ивиб қолсангиз – булар яхшилик аломатлари. Мабодо, бирон идишни синдириб қўйсангиз, қандайдир жароҳат олсангиз ёхуд бўш челакларни кўтарган одам йўлингизни кесиб ўтса – булар йўқотишлар ва ноҳушликлардан огоҳлантиришдир.

Фақат ёрқин ва эсда қоладиган тушларгина башоратли бўлади. Такрорланадиган тушлар ҳам ўнгидан келиши кутилади. Тушингизда оловни кўришингиз бўлажак хавф-хатардан берилаётган хабардир.

Кумушранг -ҳаворанг аралаш, шунингдек, яшил рангли кийимларни кийиш тавсия этилади..

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3233 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6